

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

MOLIYAVIY MENEJMENT FAKULTETI

“KASBIY TA'LIM” KAFEDRASI

**Мкт(М)-90 гуруҳ талабаси Баратова Мадинанинг “Диверсификация
орқали рискни камайтириш масалалари” мавзуси бўйича**

КУРС ИШИ

Ilmiy rahbar: _____ кат. ўқ. Юлдашева Н.

TOSHKENT - 2014

РЕЖА:

Кириш

1. Риск моҳияти ва уларнинг турлари
2. Молиявий рискларнинг моҳияти ва ўзаро боғлиқлиги
3. Диверсификация орқали рискларни камайтириш йўллари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодийни ислох этиш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификациялаш бўйича ҳар томонлама чуқур уйланган, узок, истикболга мулжалланган иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида миллий иқтисодийтимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг турмуш даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ҳамда ишончли пой-девор яратилганлигини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда рисклар тадқиқ, этилган катор илмий ишларда уларни минималлаштиришни амалга ошириш борасида маълум натижаларга эришиш таъкидланса-да, мазкур жабҳада ҳамон уз ечимини қутаётган катор муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, бу жараёнда рискларнинг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ва узаро боғлиқлиги, шунингдек, оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолият, яъни риск-менежмент имкониятларини тадқиқ этиш иқтисодий фанларнинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланишини қайд этиш уринлидир¹.

Мазкур тадқиқотлар жараёнида, бир томондан, риск-менежменти имкониятлари бирмунча орттириб қурсатилиши молиявий рисклар назарияси яратилишига булган талабни оширган булса, бошқа томондан, шу кунга қадар «молиявий риск» тушунчасининг моҳияти тулалигича очиб берилмаганлиги, бу йуналишда тадқиқотлар олиб борилиши кераклигини таъкидлаш лозим

¹ Р.Кантильон, Ф.Найт и Ж.М.Кейнснинг риск, ноаниқлик ва фойданинг узаро боғлиқлиги тугрисидаги назариялари: умумийлик ва узига ҳослик./knowledge.allbest.ru/economy.

1 Риск моҳияти ва уларнинг турлари

Риск – келгусидаги вазият ноаниқ бўлган шароитда пировард натижа яхши бўлишига умид боғлаб, мол-мулк ёки фойдадан маҳрум бўлиш (тўлиқ ёки қисман) хавфини ўз бўйнига олиб амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ риск турларининг моҳияти ва келиб чиқиш хусусиятларига кўра қуйидагича туркумлаш мумкин;

- табiiй жараёнлар билан боғлиқ риск;
- ишлаб чиқариш фаолиятига оид риск;
- маҳсулотларни ташиш ва асраш жараёни билан боғлиқ риск;
- тижорат фаолиятига оид риск;
- молиявий фаолиятга оид риск;
- сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятдаги риск.

Рискни туғдирадиган хавфларнинг турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг баъзи бирлари субъектнинг ўз фаолиятини натижасида юзага келса, иккинчи турлари унга боғлиқ бўлмаган ташқи омилларнинг таъсирида юзага келади.

Рискнинг турлари	Таркиби
Табiiй жараёнлар билан боғлиқ риск	- фавқулодда юз берадиган табiiй офатларнинг (ер қимирлаши, ёнғин, сув тошқини, жала, дўл, довул, қурғоқчилик ва бошқа) хавфи; - табiiй-иқлимий шароитлар, об-ҳавонинг кескин ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарлар ва бошқалар.
Ишлаб чиқаришга оид риск	- ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши ёки тўхтаб қолиши хавфи;

	- моддий ресурслар бўйича таъминотдаги узилишларнинг хавфи; - технологик асбоб-ускуналарнинг жисмоний ва маънавий эскириши, ишдан чиқиши ва бузилиш хавфи; - бино-иншоотларнинг емирилиши, чўкиши ва қулаши билан боғлиқ хавфлар; - сифатсиз хом ашё оқибатида яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш хавфи; - меҳнат хавфсизлигига риоя этмаслик оқибатида ходимларнинг жароҳат олиши хавфи ва бошқалар.
Маҳсулотларни асраш ва ташишга оид риск	- транспорт воситаларида юкларни ташиш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва нобудгарчиликлар; - маҳсулотларни асраш жараёнида юз бериши мумкин табиий меъёрдаги ва ундан юқори бўлган бузилишлар ва нобудгарчиликлар хавфи; - товар-моддий қийматликларни ўғирлаш ва талон-тарож қилиш оқибатида кўрилиши мумкин бўлган зарарлар.
Тижорат фаолиятига оид риск	- бозор конъюктурасидаги ўзгаришлар хавфи; - истеъмолчилар талабининг тушиб кетиши хавфи; - бозорда таклиф ҳажмининг кескин ошиб кетиши хавфи; - маҳсулотнинг сотилмай қолиши хавфи; - рақобат кўрашига бардош беролмаслик хавфи; - маҳсулот баҳосининг кескин пасайиши хавфи ва бошқалар.
Молиявий фаолиятга	- пулнинг қадрсизланиши ва инфляция хавфи;

оид риск	- валюта ҳисоб раўамидаги маблағларнинг салбий фарқланиши хавфи; - инвестицион сарфларнинг ўзини ўопламаслиги хавфи; - пул оўимлари ва айланма маблағларнинг етишмаслиги хавфи; - дебитор ва кредитор ўарзларнинг кўпайиб кетиши хавфи; - нотўловлар хавфи; - қимматли қоғозлар қийматининг тушиб кетиши хавфи; - ўарзга олинган маблағларни қайтаролмаслик хавфи ва бошқалар.
Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳарактердаги риск	- миллий можаролар, ҳарбий тўқнашувлар, ғалаёнлар, терроризм хавфи; - иш ташлашлар, коррупция ва жиноятчилик хавфи; - кутилмаганда солиў, божхона ва бошқа меъғрий қонунчилик ҳужжатларининг ўзгариши; - иқтисодий беқарорлик ва ўсиш суръатларининг пасайиши; - экспорт ва импорт тартибини мураккаблаштириш хавфи.

12-чизма. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рискнинг турлари

Ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган риск кўпинча қуйидаги сабабларга кўра вужудга келиши мумкин:

- бошқарув ходимларининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва бошқа соҳаларда нотўғри қарорлар қабул қилиши;

- ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги хатоликлар;
- ходимларнинг ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошуви;
- субъектни ривожлантириш стратегияси ва бизнес режасини нотўғри шакллантириш;
- ўзини қопламайдиган ва аниқ ҳисоб-китоблар қилинмаган лойиҳаларга қўл уриш;
- даромадлар ва харажатларни доимий назорат остига олмаслик;
- бизнесдаги ташқи шерикларни танлашга масъулиятсизлик билан ёндошув;
- бухгалтерия ҳисобини тўғри ва аниқ юритмаслик;
- ҳисобот шакллари тўғри ва аниқ тўлғасмаслик;
- бозор конъюктурасини, рақобат муҳитини, талаб ва таклиф нисбатини, истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракатини ва бошқа омилларни доимий кузатиб бормаслик.

Бундай рискларнинг турларини субъект бошқарувчилари доимий равишда кузатиб боришлари ва улар натижасида юзага келадиган зарарларни пасайтириш тадбирларини белгилаб боришлари мумкин.

Ташқи омилларнинг таъсири натижасида юзага келадиган риск турлари субъект бошқарувчилари ёки ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмай, кўпинча фавқулодда шарт-шароитларнинг таъсирида юзага келади.

Риск хавф даражасини аниқлаш, унинг олдини олиш йўллари излаб топиш ва оқибатида юз бериши мумкин бўлган зарарларни пасайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга оид фаолиятни ***рискни бошқариш тизими*** деб аталади.


Тадбиркорнинг *рискни бошқариш* доирасидаги фаолияти ўз субъектининг даромадлигига таҳдид солувчи рискларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга йўналтирилган. ↓

Рискни оқилона бошқариш субъектнинг узоқ муддатли истиқболда муваффақиятга эришиш имкониятини оширади, унинг молиявий ҳолатининг ёмонлашиш хавфини бир мунча бўлсада камайтиради.

Тадбиркор учун пайдо бўладиган рискни тахминий билиш зарурдир, лекин бунинг ўзи етарли эмас. Муҳими, рискнинг аниқ тури корхона фаолиятига қандай таъсир кўрсатаётганлиги ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқлаб, уни тўғри баҳолай билиш ва шундан сўнг субъектининг иқтисодий самарадорлигига таъсирини ҳисоблаб топишдир. *рискни бошқариш* бир-бирини тўлдириб боровчи бир нечта босқичлардан иборат бўлади.

Рискни бошқаришда энг аввало юзага келиши мумкин бўлган унинг турлари аниқланади, улар таҳлил этилади ва зарарнинг кутиладиган даражаси ҳисобланади. Кейинги босқичда унинг олдини олиш, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни пасайтириш ёки суғурталаш тадбирлари ишлаб чиқилади ва уни бошқариш усуллари танланади. Охирги босқичда эса кўрилган зарарларни қоплаш, оқибатларини таҳлил этиш ва бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, *рискни бошқариш* тадбиркорга ресурслардан янада оқилона фойдаланиш, жавобгарликни тақсимлаш, фирма фаолиятининг натижаларини яхшилаш ва рискнинг таъсиридан хавфсизлигини таъминлаш имконини яратилади.



13-чизма. Тадбиркорлик рискни бошқариш жараёни

Рискни баҳолаш усуллари

Рискни бошқариш жараёнида асосий эътибор уни баҳолашга қаратилади.

Рискни баҳолаш –унинг даражасини миқдорий ёки сифат ўлчамлари билан аниқлашдир.

Рискнинг тахминий эҳтимолини аниқлаш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Илмий адабиётларда тадбиркорлик рискни баҳолашнинг 4 усули келтирилади:

- *Статистик усул;*
- *Эксперт усули;*
- *Аналитик усул;*
- *Комбинациялаштирилган усул.*

Статистик усулда субъектнинг ва тармоқдаги бошқа турдош субъектларнинг бир неча йиллик фаолияти давомида юз берган таваккалчилик ҳодисалари ҳамда уларнинг таъсирида қўрилган зарарларнинг даражаси ўрганиб чиқилади.

Эксперт усулида иш тажрибаси юқори ва мазкур соҳада эксперт ҳисобланган юқори малакали мутахассисларнинг фикрлари, аниқ ҳисоб-китоблари ва тавсиялари эътиборга олинади.

Аналитик усулда иқтисодий-математик усуллар, вазиятли иш ўйинлари ва эўтимоллар назариясидаги моделлар ёрдамида таваккалчиликнинг даражасига баҳо берилади.

Комбинациялаштирилган усул юқорида келтирилган барча усулларни ёки улардан бир нечасини қўллаш орқали амалга оширилади.

2. Молиявий рискларнинг моҳияти ва ўзаро боғлиқлиги

Фикримизча, молиявий рисклар узига хос тузилмага эга. Улар бозор rischi, ликвидлик rischi, фоиз rischi, кредит rischi ва валюта riskлари кабилардан иборатлиги қайд этган тасниф бирмунча илмий асосланган хисобланади (2-чизма).

2-чизма.

Молиявий рисклар турлари.

Бозор rischi



Шу ўринда, молиявий рискларнинг юкоридаги турларига алохида тухтаб утишни лозим топдик. Хусусан, бозор rischi ҳамда кредит rischi тегишли молиявий инс-трументларга эгалик килиш жараёнида юзага келади. Бу икки турдаги рисклар, айти вақта узига хос, алохида ёки тизимли ходиса сифатида нафакдт аник, бир молия институтининг саъй-харакати, балки бозордаги узгаришлар таъсирида ке-чишини ҳам таъкидлаш уринлидир.

Бозор riskининг молия институти фаолиятига таъсири махсулот нархи ёки бозор сегментлари (масалан, фонд индекси ёки крматбахо металлар нархи) узгаришлари холатида тизимли кечади. Молия институтининг инвестицияга йуналтирган маблаглари нархи кескин узгариши шароитида бозор riskининг таъсири узига хос тарзда ҳам кечиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, кредит rischi ҳам шу йўсинда намоён булади. Шу билан бирга, йўқотиш(зарар кўриш)лар rischi банкнинг кредит портфели оптимал шакллантирилмаганлиги ёки иктисодий агентнинг кредитга лаёкдтлилиги пасайиши окдбатида юзага келиши ҳам мумкин.

Ликвидлик ҳамда валюта рисклари эҳтимолликка кура, мохиятан алохида, якка тартибда намоён булувчи рисклар хисобланади. Мазкур рисклар молия институтининг активи ва мажбуриятлари кулами нисбатан узаро мос эмаслиги оқибатида юзага келади. Бу тоифадаги рисклар молия институтининг актив ва мажбуриятлари оптимал баланслашган ҳолларда деярли кузатилмайди.

Фоиз рискининг табиатини аниқлаш бирмунча мураккаб кечади. Бу ҳолат маблағларни жалб этиш ва уларни жойлаштириш ставкасининг тўлиқсиз корреляцияси натижаси сифатида фоиз рисқи намоён булиши билан изоҳланади. Ушбу рисклар молия институти фоиз ставкалари баланслашмаганлиги жараёнига уз таъсирини утказа олмайди. Шу боис, бу тоифадаги рискларни минималлаштиришни тулик, ҳажмда таъминлаб бўлмайди, чунки ставкалар тулик, баланслашган ҳолларда ҳам фоиз рисқи тизимли рискнинг «қолдиги» сифатида сакданиб қоллади. Фоиз рисқи келиб чиқришига кура узига хос, алохида тарзда намоён бўлса-да, у тизимли кечади.

Юқорида келтирилган рискларнинг кейинги 3 тури (ликвидлик, валюта ва фоиз рисклари) молиявий воситачиликнинг асосий функцияларидан бири - активлар трансформацияси натижасида юзага келади. Молия институти актив ва пасивларининг валюта буйича ҳамда муддатларга кура баланслашганлиги даражаси активлар трансформацияси таъсирида узгариши мумкин. Бу уринда, иқтисодий илмий адабиётларда категориялар талқини мазмунан узаро аралашиб кетганлиги кузатилади. Бунинг изохи сифатида фоиз ставкасининг ошиши хисобига облигация нархи пасайиши рисқи ҳам фоиз рисқи саналишини келтириб утиш мумкин.

Бу жараёнда фоиз рисқи акция курси пасайиши рисқидан узаро фарқданмайди. Фоиз ставкаси эса облигация нархи, молиявий ҳолат узгариши, корпоратив бош-қадрув сифатини аниқдашнинг муҳим омилларидан бири сифатида намоён бўлади. Ставка таъсири сезиларли

булган талаб ва мажбуриятлар номуносиблиги шароитида молия институтининг мажбуран қўбул қўлган қўрори натижа²си сифатида фойз рискинини талқин қилиш мумкин.

Валюта рискинини молиявий аниқлашда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Масалан, хорижий валютада жойлаштирилган молиявий инструментлар курсидаги салбий ўзгаришлар оқибатидаги йўқотишлар рискинини бозор рискинини ҳисобланади.

Кейинги йилларда иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида алмашинув курсининг салбий таъбириши, яъни валюталар бўйича актив ва пасивлар мос эмаслиги оқибатида зарар қўриш эҳтимоли валюта рискинини сифатида талқин қилилади.

Валюта курси фойз ставкалари ҳаракати билан белгиланади. Фойз ставкалари ҳаракати эса, асосан кредит рискинини таъсирида кечади. Бу ҳолат валюта рискинини трансфери ва трансформациясини айнан кредит рискинини белгилаб беришининг аниқлиги².

Анч бир валютага булган талаб унинг жўзибадорлигини оқдириши билан, мазкур мамлакат рискинини юзаки баҳоланганлигини намоён бўлади. Инвесторлар кам рискли деб, ҳисоблаган валюталар мисолида шундай баҳоланишнинг салбий оқибатлари яққол кузатирилганлигини қўйд этиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда хорижий валютада акс этирилган талаб ва мажбуриятлар ўзаро мос эмаслиги шароитида юзага келадиган рискларни ифодалаш учун «translation risk» (рискинини қўчириш) термини молиявий чекланганлигини боис, унинг қўлланилаётганини самарали деб бўлмайди³.

Кейинги йилларда молиявий инструментлар учун ликвидлик рискинини ажратиш қўрсатилади. Аммо, уларни ҳар қандай нархда сотиш имконияти чекланган ёки нархи ижобий катталиқда бўлмаган ҳолатларда қўзатиладиган ўшбу риск стандарт бозор рискинини хусусий бир қўриниши эканлигини қўйд этиш урин- лидир. Бизнинг назаримизга қўра,

² Эрроу К. Альтернативные подходы теории выбора в ситуациях, сопряженных с риском/ www.riskland.ru.

³ Федоров Б.Г. Новый англо-русский банковский и экономический словарь. — СПб.: Лимбус Пресс, 2000. — С. 745.

молиявий инструментларнинг ликвидлик risksдан фарқи равишда riskнинг алоҳида бошқд турини ажратиб курсатиш асосли эмас.

Қатор муаллифлар молиявий riskларни кенг талқид этиш нуқтаи назари- ни куллаб-қувватлашмоқда⁴. Масалан, молиявий riskлар таркибига ходим- нинг хатога йул қуйиши, ахборот ва техник тизимнинг носозлиги, товлама- чилик жиноятларини узида мужассам этган бошқд riskларни ҳам киритиш саъй-харакатлари оммалашмоқда. Шу уринда, албатта, бундай тоифадаги riskлар юз бериши оқдбаида йук,отиш(зарар)лар сезиларли булиши мумкинлигини инкор этмаган холда уларни айнан молиявий riskлар сифатида талқин этилишини куллаб-қувватлаб булмайди. Бу холат уларнинг табиатиға кура номолиявий булган компанияларнинг шу тоифадаги riskларидан фарқдан- маслиги билан изоҳланади.

Шу жихатдан riskларни минималлаштиришнинг форвард, фьючерс, своп, опцион каби воситаларига алоҳида тухталиб утиш уринлидир.

⁴ Riskларнинг умумий тавсифи//www.grandars.ru.

3.Диверсификация орқали рискларни камайтириш йўллари

Диверсификациялаш ишлаб чиқариш, тижорат ва инвестиция фаолияти соҳаларида рискнинг даражасини камайтириш имконини яратади. Уни диверсификациялаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- капитал сарфларни бир нечта фаолият турларига бўлиб сарфлаш;
- ҳар хил турдаги юқори даромад келтирадиган қимматли қўғозларга инвестиция қилиш;
- моддий-техник таъминоти бўйича ташқи шерикларнинг сонини кўпайтириш;
- турли сигментларни ўамраб олган бозор ва истеъмолчиларнинг талабига мос товарлар ишлаб чиқариш;
- бозор конъюктураси ва истеъмолчилар сигментига мос келувчи турли баҳо сиёсатини юритиш;
- юк ташувчи турли транспорт субъектларининг хизматидан фойдаланиш;
- товар-моддий захираларни бир нечта жойда бўлиб асраш ва ҳоказо.

МОЛИЯВИЙ РИСКЛАР ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ

Молиявий фаолият rischi диверсификацияси - узаро боғлиқ булмаган молия операциялари даромадлилига асосланади.

Маҳсулот(иш, хизмат) харидорлари rischi диверсификацияси - кредит рискларини минималлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Реал инвестиция дастурлари rischi диверсификацияси - асосий инвестиция лойиҳасига нисбатан камхаражатли булган лойиҳалар танловига асосланади.

Валюта саватчалари rischi диверсификацияси - танлов орқали валюта рискларини минималлаштиришни назарда тутди

Қимматли коғозлар портфели rischi диверсификацияси - портфелнинг даромадлигини камайтирмаган ҳолда инвестиция riskларини минималлаштиришга йуналтирилган бўлади.

Молия бозори riskлари диверсификацияси - бозор сегментларида кенг куламли фаолият юритилиши орқали бир сегментда қурилган зарарни бошқа сегментда эришилган самара эвазига компенсациялаш ҳисобига risk минималлаштирилишига эришилади

Амалиётда диверсификациялаш riskни фақат камайтириши эмас, аксинча ошириши ҳам мумкин. Тадбиркор ўз маблағини самарасиз ишлаб чиқариш фаолиятига сарфлаган тақдирда risk эҳтимоли ортади.

Рискни бирлаштириш икки ёки ундан ортиқ корхоналарнинг қўшилиши натижасида содир бўлади ва бунинг натижасида янги ташқил топган корхона дастлабкиларига қараганда кўп активга эга бўлади. Riskлилик хатарларини пасайтириш йўлида тадбиркорларнинг ўз капиталларини бирлаштириши, улар ўртасида олинган фойдани ва зарарларни бўлиш имконини яратади. Ушбу ҳолат корхонани riskдан бутунлай ҳоли қилмайди, лекин унинг хатар даражасини бир мунча пасайтиришга ёрдам беради.

Рискни бошқаларга ўтказиш ёки risk трансферти – тадбиркорлик riskлигини камайтиришнинг яна бир усули ҳисобланади. Бунда risk хатарлари шартнома асосида иккинчи бир юридик шахс зиммасига ўтказилади.

Riskлиликни бошқаларга ўтказишнинг икки томон учун ҳам фойдали сабаблари мавжуд:

1. Riskни ўзига олишда қўрилиши мумкин бўлган зарарларнинг миқдори riskни ўтказишдагига нисбатан кўп бўлиши мумкин.

2. Рискни ўтказиладиган ташқи субъект хатарларни камайтиришнинг самарали усуллари билиши ва кўпроқ имкониятларга эга бўлиши мумкин.

3. Рискни ўтказувчи маълум тўлов эвазига эҳтимол тутилган зарарлардан ўзини ҳимоялашга эришса, рискни оловчи ўтказувчилар бадали ҳисобидан даромад кўриш имкониятига эга бўлади.

Рискнинг ўтказишнинг қуйидаги шакллари учрайди:

1. **Қурилиш шартномалари** – бундай шартномани тузиш орқали тадбиркор турли объектларни қуриш билан боғлиқ бўлган барча рискни қурилиш фирмасининг бўйнига ўтказди.

2. **Юкларни асраш ва жўнатиш шартномасини** имзолаш орқали тадбиркор маҳсулотларни ташиш ва асраш даврида юз бериши мумкин бўлган йўқотишлар ва бузилишлар бўйича хатарин маълум тўлов эвазига транспорт компаниясининг зиммасига ўтказди.

3. **Сотиш, хизмат кўрсатиш ва таъминлаш шартномаси** тадбиркорга товар ва хизматларни тарқатиш билан боғлиқ риск хатарларини дистрибьюторлар зиммасига ўтказиш орқали, эҳтимол тутилган йўқотишларни камайтиришга имкон яратади. Бу йўл билан субъект истеъмолчи сифатида асосий воситалар ва асбоб-ускуналарнинг бузилиши, ишдан чиқиши хатарларини кафолат муддати давомида уларни ишлаб чиқарган ёки сотган компаниянинг зиммасига ўтказди.

4. **Ижара** – рискни ўтказишнинг кенг қўлланиладиган усулларида бири. Кейинги пайтларда кенг тарқалаётган ижара турларидан бири молиявий ижара ёки лизингдир. Ижарага берувчи ўз мулкни маълум бир давр оралиғига ижарага бериб, унинг сақланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ рискни ижарага оловчининг зиммасига ўтказди.

5. **Факторинг** – дебитор қарз мажбуриятини фактор воситачига ўтказётган субъектнинг қарз ундириш рискни камайтириш мақсадида тузиладиган шартномадир. Субъектлар ўртасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммоси пайдо бўлганда, яъни товар-моддий

қийматликларни жўнатган субъект харидордан маҳсулот ҳақини ўз муддатида ундирилмаса ёки бундай қарзлар шубҳали, уларни ундириш эҳтимоли кам бўлса факторинг воситасида қарзни ундириш амалиёти қўлланилади.

Факторингда воситачи корхона (одатда банк) қарз берган субъектдан маълум бир коммиссион тўлов эвазига қарздордан маблағни ундириш ҳуқуқини қўлга киритади. Факторинг шартномаси тузилиши билан субъект ундирилмай турган қарзнинг аксарият қисмини факторинг субъектидан (ёки банкдан) олади. Сўнгра факторинг корхонаси қарздор корхонага қарзни ундириш бўйича даъво қўзғатади.

Факторингнинг афзаллиги шундаки, у нотўловлар муаммосини қисман бўлсада ечишга имкон беради.

6. Субъектнинг фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликни ўтказишнинг энг самарали усулларидан бири – **суғуртадир**. Суғурталашда субъектнинг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий фаолияти ёки табиий омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг таваккалчилиги маълум ҳақ тўлаш эвазига, шартнома асосида суғурта компаниясининг зиммасига ўтказилади. Таваккалчиликнинг бирор тури натижасида субъект зарар кўрса, зарарнинг катта қисми суғурта шартномасига асосан суғурта компанияси томонидан ўопланади.

Суғурта объекти сифатида қуйидагилар чиқиши мумкин:

- субъект активларини бузилиш, ишдан чиқиш, ёнғин ва бошқа табиий офатлардан суғурталаш, яъни мулк суғуртаси;
- субъект қабул қиладиган ва жўнатиладиган юклар суғуртаси;
- қарзга олинган маблағларнинг қайтарилмаслиги, яъни кредит таваккалчилиги суғуртаси;
- гаровга қўйилган мулкни суғурталаш;

- қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини табиий офатлар, касалликлар ва зараркунандалардан суғурталаш;

- ходимларни ишлаб чиқариш жарағнидаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва ҳоказо.

7. Хеджерлаш – молиявий ёки тижорат фаолиятида баҳоларнинг (валюта курсининг) тебраниб туришидан йўқотишларни камайтириш учун таваккалчиликни фьючерс шартномалари ёрдамида суғурталаш шакли ҳисобланади.

Баҳо (курс)нинг ўзгариши рисклигини суғурталашга хизмат қилувчи шартнома **«хедж»** деб аталади. Хеджерлашни амалга оширувчи субъект **«хеджер»** деб аталади.

Хеджерлашнинг икки тури мавжуд:

1. Ошишдан хеджерлаш;

2. Пасайишдан хеджерлаш.

Ошишдан хеджерлаш келгусида субъект истеъмол қиладиган моддий ресурсларнинг нархлари (валюта курслар)ининг ошиши эҳтимолидан суғурталаниши зарур бўлган ҳолатларда қўлланилади. Масалан, ресурснинг баҳоси (ёки валюта курси, қимматли қоғоз нархи) уч ойдан кейин ўсади деб тахмин қилинмоқда ва у субъектга 3 ойдан кейин керак бўлади. Баҳолар (курснинг) ошишидан кўриладиган йўқотишларни қоплаш учун, ресурсларни бугунги кундаги баҳоларда сотиб олиш шартномасини қўлга киритиш лозим бўлади. Агар 3 ойдан кейин ресурснинг баҳоси ошиб кетган таъдирда ҳам, фьючерс шартномасини сотган субъект ресурсни шартнома сотилган санадаги (3 ой олдинги) баҳоларда етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Шу йўл билан ошишдан хеджерлашни амалга оширувчи хеджер ўзини келгусида баҳоларни ошишдан кўрилиши мумкин бўлган зарардан суғурталайди.

Пасайишдан хеджерлаш келгусида товарнинг баҳоси пасайиши рисклигидан қочиб, унинг олди-сотди шартномасини фьючерс бозоридаги ҳозирги баҳо даражасида сотиш билан боғлиқ биржа операциясини англатади. Пасайишдан хеджерлашни амалга оширувчи хеджер келажакда сотадиган товар шартномасини биржада шошилинч сотиб, ўзини келажакда кўриши мумкин бўлган зарардан суғурталайди.

Хеджер шошилинч шартномаларни сотиш ёки сотиб олиш ёрдамида бозорлардаги баҳоларнинг ноаниқлигидан келиб чиқадиган трисклиликни камайтиришга ҳаракат қилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иммолиявий рисклар фақат кредит рисклари орқали аниқланиши ва ҳал этилишини англатмайди. Умуман рискнинг мавжуд эмаслиги, айтиш вақтида риск йўқлиги — даромад йўқлигини англатади. Шу боис, рискни бозор имманенти сифатида батамом бартараф этиб бўлмайди. Аммо, рискларни баҳолаш, идентификациялаш ҳамда риск-менежментнинг шакли ва усуллари тизимли куллаш орқали улар юз бериши оқибатида курилиши эҳтимол бўлган йўқотиш(зарар)ларни камайтиришга эришиш мумкин. Бу жараёнда рискни минималлаштириш маълум сарф-харажатларни талаб этишига қарама-қарши, субъектлар фаолияти самарасини белгилаб берувчи асосий омил эканлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестициялаш инструментларини шакллантираётганда бошқариш компаниясининг менежери сармоядор рисклилигини минимал даражага олиб келиб, шу вақтнинг ўзида унинг даромадлилигини максимал даражага кўтаришга ҳаракат қилиши керак.

Диверсификациялаш принципи — инвестициялаш портфелининг асосий принципи бўлиб хизмат қилади. Одатда бу принципни инглизлар “ҳамма тухумларни битта савтга солмас керак” дейишади, яъни бу дегани ҳамма маблағларнинг қимматли қоғозларнинг, қанчалик у фойдали бўлмасин, битта турига сарфлама. Диверсификациялаш натижасида даромад олмаслик ёки сармояларни бирдан йўқотиб қўйиш ҳавфидан, қимматли қоғозларнинг бирҳил турларидан олинадиган кам даромад, уларнинг бошқа турларидан олинадиган юқори даромад билан қопланиб кетади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
3. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.07.2008 йил.
4. Вахобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: Шарқ, 2003. – 400 б.
5. Бутиков И. Л. Қимматли қоғозлар бозори. – Тошкент: Консадитинформ, 2001.
6. Шохаъзамий Ш.Ш. «Финансовый рынок и ценные бумаги» КНИГА II. Учебник.-Т.: «Иқтисод – молия», 2005.-850 с.
7. Л.Дж.Гитман, М.Д.Джоник. Основы инвестирования.-М.: Дело, 1997.
8. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 1999. - XII, 1028 с.
9. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ. /Гл. ред. Серии Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 801 с.
10. Фондовый рынок и мир: Учебник/Под ред. К. С. Царихин – М.: Издательский дом «Социальные отношения» 2008 г.
11. Инвестиции: Учебник/Под ред. В. В. Бочаров – СПб.: Питер 2002 г.
12. Рынок ценных бумаг: Учебник/Под ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 2000.
13. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Глобаллашув жараёни ва молиявий инқироз сабаблари. // Адолат, 2009 йил 27 февраль.

14. Бырживое дело: Учеб./Под. Ред. В. А. Басова. – М.: Финансы и статистика, 1998.

15. Бланд М. Финансовый кризис. – М.: АСТ-Астрил-Харвист. 2008 – 288

16. На пути обеспечения финансовой стабильности. //Бизнес-вестник Востока. № 100, от 16 декабря 2008г.

17. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 102 б.

18. Шохаъзамий Ш.Ш., Зуфарова Ш.Ш., Шохаъзамий Ш.Ш. Оптимизация распределения требований к безрисковости между операциями сделки.// Ж. Вестник Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан, 2005, №1-2.-с.64-69.

Интернет веб-сайтлари:

www.uz

www.gov.uz

www.stat.uz

www.tsue.fan.uz